

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМЛИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИРМАТОВА АЗИЗА БАХРАМОВНА

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Ирматова Азиза Бахрамовна

Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш
методологиясини такомиллаштириш..... 3

Ирматова Азиза Бахрамовна

Совершенствование методологии организации женского труда в
инновационной экономике..... 27

Irmatova Aziza Bakhramovna

Improving the methodology of organizing women's labor in an
innovative economy 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМЛИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИРМАТОВА АЗИЗА БАХРАМОВНА

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Iqt195 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.geu.uz) ва «Ziyoueb» Ахборот-таълим портали (www.ziyoueb.com)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Холмўминов Шайзоқ Раҳматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зокирова Нодира Каландаровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хасанов Рустам Раббимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абулқосимов Хасан Пирназарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.I.100.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 12 кунли соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод к., 3-уй. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; e-mail: info@geu.uz.

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Шаҳриобод к., 3-уй. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» 12 кунли тарқатилди.
(2021 йил «6» 12 даги 14 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Х. Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ЎзФА академиги и.ф.д., профессор

З.Г. Шакарров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Я. Худайбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аёллар меҳнатини ташкил этиш масалалари инновациялар, рақамли ва ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, коронавирус пандемияси шароитида долзарб муаммолардан бирига айланди. «Пандемия давридаги «буюк ёпилиш» тўғридан-тўғри гендер тенглигига таъсир этиб, унинг натижасида аёлларнинг иш билан бандлиги 5 фоизга, эркакларники эса, 3,9 фоизга камайган. Шунингдек, ишсиз қолганлар орасида деярли ҳар ўн аёлдан тўққизтаси нофаол бўлиб қолган. Бу эса эркакларга нисбатан кўпроқ аёллар иш қидирмаётгани, ишга жойлашиш ва даромадга эга бўлишга тайёр эмаслигини билдирмоқда. Бундай шароитда тегишли чоралар кўрилмаса, аёллар узоқ муддатли ишсиз бўлиб қолиши мумкин»¹. Шу жиҳатдан бугунги кунда жаҳонда аёллар меҳнатини самарали ташкил қилиш муаммоларига долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Жаҳон меҳнат бозорига сезиларли таъсир кўрсатган коронавирус пандемиясининг аёллар меҳнатига таъсирини инновацион иқтисодиёт шароитида бартараф этиш йўллари янгиланган усул ва механизмлар орқали ташкил этишга оид илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: COVID-19 пандемиясининг ўз-ўзини банд қилган аёлларга таъсири, аёлларнинг моддий ёрдам билан бандлиги ўртасидаги боғлиқлик, аёллар меҳнатини ташкил этишда масофавий иш жойларининг имкониятларини тадқиқ этиш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, аёллар бандлигини ошириш, уларга муносиб меҳнат шароитини яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатимизда хотин-қизларни иш ўринлари, уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада аёлларни касб-ҳунарларга қайта ўқитиш марказлари жорий этилгани, арзон уй-жойлар дастури амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир»². Халқаро рейтинг кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда миллий хусусиятлардан келиб чиқиб, аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш, аёллар меҳнатини ташкил этишнинг стратегик йўналишларини такомиллаштириш, масофавий иш билан бандликни ривожлантириш орқали меҳнат бозорида интеллектуал меҳнатга асосланган талаб ва таклифни мувозанатлаши, аёллар учун ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этувчи бандлик соҳаларини аниқлаш, аёллар меҳнатини интеллектуаллаштиришнинг оптимал вариантларини асослаш каби йўналишларда илмий изланишларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

¹ World Employment and Social Outlook. Trends 2021. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms_795453.pdf

² Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда \ \ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетасига берган интервьюси 17.08.2021 \ \ <https://president.uz/uz/lists/view/4547>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Жаҳонда инновацион иқтисодий аёллар меҳнатини ташкил этиш ҳамда аёлларнинг турли соҳаларда, жумладан, тадбиркорлик соҳасида бандлиги бўйича илмий изланишлар куйидаги етакчи университетлар ва илмий марказлар томонидан олиб борилмоқда: Гендер тадқиқотлари институти (Graduate Institute of Gender Studies, Швейцария); Каохсинг тиббиёт университети (Kaohsiung Medical University, Тайвань); Мичиган давлат университети ва Аризона давлат университети қошидаги Аёллар илм-фанда ассоциацияси (Michigan State University, Association for Women in Science (AWIS) Central Arizona Branch of Arizona State University (ASU), АКШ); Япония Очиқ университети (The Open University of Japan, Япония); Оттава университети (University of Ottawa, Канада); Ливерпуль университети ва Ковентри университетининг Ҳаёт давомида инновацион тадқиқотлар маркази (University of Liverpool, Centre for Innovative Research Across the Life Course, Coventry University, Буюк Британия); Иннсбрук университети (University of Innsbruck, Австрия); «Олий иқтисодий мактаби» Миллий тадқиқот университети (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики»), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети (Россия).

³ Gender Inequality and Women in the US Labor Force// https://www.ilo.org/washington/areas/gender-equality-in-the-workplace/WCMS_159496/lang--en/index.htm; Gender Inequality, Work Hours, and the Future of Work. Institute for Women's Policy Research // <https://iwpr.org>; Women's situation in the labour market. European Commission// <https://ec.europa.eu>; MARTINA VIARENGO. Gender gaps in education evidence and policy implications// Graduate Institute of Gender Studies. – 2021. – 53 p.; Shelley O'Brien There are serious gender and diversity gaps in patenting // <https://www.awis.org>.

Жаҳонда гендер масалалари, инновацион иқтисодиёт шароитида аёллар меҳнاتини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш, меҳнат мотивациясини ошириш ва муносиб меҳнат шароитини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: ҳар бир давлат миқёсида гендер масалалари ўрганилиб, Жаҳон Иқтисодий Форуми томонидан йиллик Global Gender Gap ҳисоботи нашр этилади, унда экспертлар томонидан 149 та давлатда аёлларнинг иқтисодиёт ва меҳнат бозоридаги ҳолати ва иштироки, уларнинг таълим олиши ҳамда ижтимоий ва сиёсий фаоллиги баҳоланиб, Гендер тенгсизлиги глобал индексида акс этирилмоқда.

Жаҳонда аёллар меҳнатини самарали ташкил этиш борасида қуйидаги устувор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда: рақамлаштириш ва инновацион иқтисодиёт шароитида аёллар меҳнатини ташкил қилишнинг ўзига хосликлари, аҳолининг ўсиш прогнози ва шундан келиб чиққан ҳолда самарали бандлик сиёсатининг илмий асосларини такомиллаш-тириш; инновацион иқтисодиёт талаблари асосида аёллар меҳнатини интеллектуаллаштириш ва унинг иқтисодий-ташкилӣ, касбий-малакавий таъминотини амалга ошириш; гендер сиёсати дориасида аёллар учун муносиб иш шароитларини яраттиш; глобаллашув шароитида аёллар меҳнатидан, айниқса, интеллектуаллаштирилган меҳнатни мақсадли ва самарали ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичларини асослаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат, иш билан бандлик, ишсизликнинг методологик асосларига В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Шумпетер, А.Маршалл⁴ сингари иқтисодий назариянинг классик олимлари катта ҳисса қўшганлар. Улар меҳнат ва иш билан бандлик категорияларини ҳар томонлама тадқиқ этиб, мазкур иқтисодий категорияларнинг ўзига хос хусусияларини ёритиб беришга ҳаракат қилганлар.

Инновацион иқтисодиётда меҳнатни ташкил этиш асослари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари борасида хорижий ва МДҲ мамлакатлари олимлари М.Алави, Б.М.Генкин, В.С.Гойло, М.М.Критский, П.Пиёриа, А.Тоффлер, М.Элвисон⁵, шунингдек, аёллар фаолиятида меҳнатнинг ўрни, аҳамияти, муаммолари ва ўзига хос ечимларини С.Бэрриман, С.Вэлби, Л.Ржаницина,

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / Пер. с англ. Е.М.Майбурда. – М.: Эскимо, 2007; Рикардо Д. Сочинения. – М.: Наука, 1961; Петти У. Антология экономической мысли. – М.: Эконом, 1993. Т.1; Schumpeter J. The theory of economic development; an inquiry into profits, capital, credit, interest, and the business cycle. Harvard economic studies, P. 46 Harvard University Press, Cambridge MA (1934); Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1993.

⁵ Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Пер. с англ. – М.: ГУВШЭ, 2003; Shultz T. Investment in Human capital / Theodor Shultz. – N.Y.-London, 1971; Alavi M., Leidner D. 'Knowledge Management and Knowledge Management Systems: Conceptual Foundations and Research Issues'. *MIS Quarterly*, 25(1): 107-36, 2001; Генкин Б. М. Экономика и социология труда: учеб. для вузов / Б. М. Генкин. - 7-е изд., доп. – М.: Норма, 2007. – 448 с.; Гойло В.С. Проблемы интеллектуального труда / В.С.Гойло. – США: ЭПИ. № 6, 1995; Критский М.М. Человеческий капитал. – Л., 1991; Pasi Pyöriä The Concept of Knowledge Work Revisited. // *Journal of Knowledge Management*. June 2005, <https://www.researchgate.net/publication/220363097>; Toffler A. The Third wave.- N.Y.,1980; Alvesson M. 'Knowledge work: ambiguity, image and identity'// *Human Relations*, 54(7): 863-886, 2001

М.Таммелин, Т.Коивунан, А.Томсон, З.Хоткина⁶ ва бошқаларнинг тадқиқотларида кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда меҳнат, инновацион иқтисодиётда иш билан бандлик ва ишсизлик масалалари, хусусиятлари ва қонуниятлари масалалари акад.К.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзаков, Б.А.Исламов, З.Я.Худойбердиев, Н.К.Зокирова, Ш.Д.Кудбиев, Ш.Р.Холмўминов, Н.У.Арабов, Р.Р.Хасанов, Д.А.Насимов, Х.Х.Мамадалиева⁷ сингари олимларнинг илмий ишларида етарлича тадқиқ этилган. Шунингдек, аёлларнинг меҳнат бозоридаги ҳолати ва ўрни акад. Р.А.Убайдуллаева, меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш Н.Х.Раҳимова, ишсизлик, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан бандлик даражасини ошириш Ж.Х.Бобоназарова, аёлларнинг иш билан бандлигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг салоҳиятидан фойдаланиш А.В.Гонорская⁸нинг илмий ишларида баён қилинган.

Бироқ маҳаллий олимлар томонидан аёллар меҳнатини ҳозирги шароитда ташкил этиш, унинг аёллар бандлигига таъсири борасидаги кўпгина жиҳатлар етарлича тадқиқ этилмаган. Жумладан, инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан халқаро нормаларга мослаштириш, масофавий иш жойларини яратиш методикаси, гендер сегрегацияни баҳолаш, аёллар меҳнат самарадорлигини аниқлашнинг методологик ёндашувлари, аёллар меҳнатини ташкил этиш стратегияси етарлича тадқиқ этилмаган.

Масаланинг долзарблиги, илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек, етарлича тадқиқ этилмаганлиги диссертация мавзуси, унинг объекти ва предметини танлаш, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос сифатида хизмат қилди.

⁶ Berryman S. Who will do science? Trends, and their Causes in Minority and Female Representation among Holders of Advanced Degrees in Science and Mathematics. New York: Rockefeller Foundation, 1983; Walby S. 'Is the Knowledge Society Gendered?' // *Gender, Work and Organisation*, 18(1): 1-29, 2011; Ржаницына Л. и др. Женщина на рынке труда /Общественные науки и современность, 1992; Tammelin Mia, Koivunen Tuija, Saari Tiina Female knowledge workers and the illusion of working-time autonomy, *International Journal of Sociology and Social Policy*, 2017, Vol. 37 Issue: 9/10, pp.591-604. The final publication is available via Emerald <https://doi.org/10.1108/IJSSP-08-2016-0100>; Thomson A. Flexible working: the experiences of women knowledge workers // A thesis submitted in partial fulfilment of the requirements of Bournemouth University for the degree of Doctor of Philosophy, 2018; Хоткина Л. Женская безработица и неформальная занятость в России. // *Вопросы экономики* №3.2000. - С.85-93;

⁷ Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Fan, 2019; Зокирова Н.К. Интеллектуальный капитал в инновационной экономике Узбекистана. // *Наука и практика*. – 2013. – №. 3. – С. 35; Умурзаков Б.Х. Человек и его потенциал в условиях экономики будущего. // *Технические университеты: интеграция с европейскими и мировыми системами образования*. – 2014. – С. 416-419; Худойбердиев З.Я. ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ilm-ziyo, 2016, Холмўминов Ш.Р. ва б. Меҳнат бозори ривожланишининг таҳлили. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2016, Кудбиев Ш.Д. Методологические основы трансформации рынка труда в развитии цифровой экономики. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» ДУК, 2020, Хасанов Р.Р. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётда хонадоннинг ўрни. // «Иқтисод ва молия» журнали, 2015, 10-сон, Мамадалиева Х.Х. Аҳолининг сифат жиҳатдан ривожланишида оиланинг роли. Монография. – Т.: Global Books, 2017. – 124 б.

⁸ Убайдуллаева Р. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият, – Т.: Фан, 2006, – 444 б.; Раҳимова Н.Х. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. Дис ... док. экон. наук 08.00.10. – Т.: ИЭ АН РУз, 2008; Бобоназарова Ж.Х. Қишлоқ жойларида аёллар иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис ... канд. экон. наук 08.00.10, 2019; Гонорская А.В. Обеспечение занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (на примере женской занятости). Дис ... канд. экон. наук 08.00.10. – Т.: ИЭ АН РУз, 2002.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АТД-2-29 «Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истикболлари» ва №ФЗ-2020092573 «Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммолари» мавзуидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш ҳамда бандликни самарали ташкил қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини белгилаш;

инновацион иқтисодиётда интеллектуал меҳнатни ташкил этиш бўйича замонавий илмий-назарий ёндашувларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда илмий хулосаларни асослаш;

аёллар меҳнатини ташкил этишнинг инновацион шакл ва турларини тадқиқ этиш, масофавий иш жойларини яратиш методикасини таклиф этиш;

инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини тадқиқ этиш, унинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

аёллар меҳнатини ташкил этиш асосий омилларининг эконометрик таҳлилин асослаш ҳамда уни ташкил этишнинг модели ва имкониятларини белгилаш;

аёллар тадбиркорлик фаолиятини социологик баҳолаш орқали ундан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги аёллар меҳнати олинган.

Тадқиқотнинг предметини аёллар меҳнатига асосланган ижтимоий-меҳнат муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таркибий, мантиқий ва таққослама таҳлил, иқтисодий-статистик, эконометрик таҳлил, гуруҳлаш, социологик тадқиқотлар, SEM (Structural equation model), K-means усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аёллар меҳнатини ташкил этиш методологияси халқаро рейтингларда аёллар меҳнатини ифодаловчи кўрсаткич ва индикаторлар номенклатураси ҳамда ҳисоблаш методикаси илмий тадқиқот, тадбиркорлик ва бошқарув соҳалари хусусиятлари ҳамда рақамли иқтисодиёт ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш шароитидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилган;

масофавий иш билан бандликни ривожлантириш орқали меҳнат бозорида интеллектуал меҳнатга асосланган талаб ва таклифни мувозанатлаши асосида

масофавий ходим билан ташкилий-иқтисодий ва иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш асосланган;

масофавий иш жойларини, жумладан, аёллар меҳнатининг инновацион шакл ва турлари бўйича маҳаллаларда масофавий иш жойларига талаб ва молиявий ресурсларга бўлган талабни мутасадди ташкилотлар инвестицион лойиҳаларига уйғунлаштириш негизда «маҳаллабай» тизим методикаси такомиллаштирилган;

ижтимоий тадбиркорлик билан шуғулланиш аёллар учун ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши асосланган ҳамда аёллар меҳнатини интеллектуаллаштиришнинг оптимал вариантлари ва прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

аёллар меҳнатини ташкил этиш стратегиясининг хотин-қизлар инсон капиталини ривожлантириш, уларни интеллектуал меҳнатга кенг жалб этиш ҳамда аёлларда рақамли кўникмаларни шакллантириш ва масофавий иш билан бандликни ривожлантириш каби асосий йўналишлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишда гендер тенглиги концепциясига асосланиб, миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда «гендер устувор» тармоқлар ва иш ҳақи дифференциацияси мавжудлиги асосланган;

аёллар меҳнатига таъсир этувчи асосий омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилди, эконометрик моделлар ва махсус дастурлар орқали аёллар меҳнатини ташкил этишнинг оптимал вариантлари аниқланган;

масофавий иш билан бандликнинг методик асосини ташкил этувчи «Масофавий ходим билан тузиладиган меҳнат шартномаси», «Масофавий ходимни расмийлаштириш тартиб-қоидалари», «Масофавий ходимнинг иш жойида техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар» лойиҳалари ишлаб чиқилган;

аёллар меҳнатини интеллектуаллаштиришнинг оптимал вариантлари аниқланган ва 2025 йилгача уч сценарийда прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган методологик ва услубий тавсиялардан республика, вилоят ва туманларда аёллар интеллектуал меҳнатини ривожлантириш орқали инновацион иш билан бандлигини ошириш жараёнида фойдаланиш, шунингдек, мазкур иш кейинчалик янада мукамал ва чуқур илмий изланишлар учун манба сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бандликка кўмаклашиш марказларида аёллар интеллектуал меҳнатини ривожлантириш орқали инновацион иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда «Инсон капитали», «Меҳнат иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш таклифларидан «Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожлантириш-нинг мақсадли кўрсаткичларини (илм-фанга асосланган бандлик ҳамда олий маълумотли аёлларнинг ишлаши) ҳисоблаш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика кўмитасининг қўшма қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 01/00-03/14-3038-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклиф асосида интеллектуал меҳнат кўрсаткичлари борасида Global Innovation Index, Human Capital Index, Global Innovation Policy Index ва бошқа шундай халқаро рейтингларда, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги кўрсаткичларнинг ягона халқаро статистика тизимини уйғунлаштириш ҳамда халқаро рейтинг тизимида Ўзбекистон Республикасининг тўлиқ иштирокини таъминлашга хизмат қилган;

масофавий иш билан бандликни ривожлантириш орқали меҳнат бозорида интеллектуал меҳнатга асосланган талаб ва таклифни мувозанатлаши асосида масофавий ходим билан ташкилий-иқтисодий ва иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлардан «Масофавий ходим билан тузиладиган меҳнат шартномаси», «Масофавий ходимни расмийлаштириш тартиб-қоидалари» ҳамда «Масофавий ходимнинг иш жойида техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар» лойиҳаси бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг «Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 01/00-03/14-3038-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётда қўлланилиши масофавий иш билан бандликни жорий этишда институционал асоси бўлмиш норматив-ҳуқуқий ва методологик базани шакллантиришга хизмат қилган;

масофавий иш жойларини, жумладан, аёллар меҳнатининг инновацион шакл ва турлари бўйича маҳаллаларда масофавий иш жойларга бўлган талаб ва молиявий ресурсларга бўлган талабни мутасадди ташкилотлар инвестицион лойиҳаларига уйғунлаштириш негизида «маҳаллабай» тизим методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг «Аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашиш, уларни тадбиркорликка жалб

этиш ҳамда касб-хунарга ўқитиш орқали иш билан бандлик даражасини ошириш юзасидан ҳамкорликдаги ишларни самарали ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорини (9.03.2020 й.) тайёрлашда фойдаланилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 6 апрелдаги 02-09/874-сон маълумотномаси). Натижада, аёллар бандлиги ва «маҳаллабай» тизим асосида аёллар учун масофавий иш жойларини яратишнинг такомиллашган методологияси бўйича янги иш ўринларини барпо этишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

ижтимоий тадбиркорлик билан шуғулланиш аёллар учун ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши ҳамда аёллар меҳнатини интеллектуаллаштиришнинг оптимал вариантлари ва прогноз кўрсаткичлари бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Малакаларни баҳолаш маркази тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2020 йил 15 майдаги 287-сонли) лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилди (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 01/00-03/14-3038-сон маълумотномаси). Натижада, интеллектуал меҳнатни баҳолашда аёллар меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари асосида аёлларнинг иш билан бандлигига таъсир этувчи асосий омилларни баҳолаш аниқлигини ошириш ҳамда интеллектуаллаштирилган аёллар меҳнатининг оптимал вариант ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишнинг асосланганлик даражасининг орттишига эришилган;

аёллар меҳнатини ташкил этиш стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича асословдан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури 192-бандида белгиланган «Мамлакатдаги инсон капитали даражаси ва миллий иш кучи рақобатбардошлигини ошириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 01/00-03/14-3038-сон маълумотномаси; Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 6 апрелдаги 02-09/874-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётда қўлланилиши аёлларнинг инсон капиталини ошириш ва аёл ишчи кучининг рақобатбардошлигининг ошишига мўйайн даражада хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 10 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, маҳаллий журналларда 10 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 25 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 228 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг назарий асослари**» деб номланиб, унда инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган, интеллектуал меҳнатнинг ривожланиши бўйича замонавий илмий-назарий ёндашувлар тадқиқ этилган, аёллар меҳнатини ташкил этишнинг инновацион шакл ва турлари таснифланган.

Муаллиф томонидан аёллар меҳнатини ташкил этишнинг методологик жиҳатлари тизимли, акмеологик, диалектик ва синергетик ёндашувлар асосида ишлаб чиқилди. Унга кўра, инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг концептуал модели бир қатор компонентлардан иборат бўлиб, маълум бир методика ва стратегиялар асосида ташкилий ва аналитик-таҳлилий компонентларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсирида натижага эришишга хизмат қилади (1-расм).

Тадқиқот жараёнида илмий-назарий қарашлар умумлаштирилиб, «интеллектуал меҳнат» тушунчасининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, таркиби очиқ берилди ҳамда инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишда интеллектуал меҳнатнинг ўрни ва зарурлиги асосланди.

Муаллиф таърифи бўйича, интеллектуал меҳнат – онгли, мақсадга йўналтирилган фойдали, креативлик, ижодкорлик элементлари билан бойитилган, инсоннинг ривожланишига ва табиат ресурсларини моддий ва номоддий бойликларга айлантирадиган, ахборотларни яратиш, қайта ишлаш ва ўзгартириш билан боғлиқ инсоннинг ижтимоий фойдали фаолиятидир. Шунингдек, интеллектуал меҳнатнинг пировард мақсади – инсоннинг ривожланиши.



1-расм. Аёллар меҳнатини ташкил этишнинг концептуал модели⁹

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иккинчи боб – «**Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг методологик асослари**» деб номланиб, унда инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш методологияси ишлаб чиқилган, корхона миқёсида интеллектуал меҳнат билан банд бўлган аёлларнинг меҳнат самарадорлигини аниқлашнинг методологик ёндашувлари тадқиқ этилган, аёлларнинг масофавий иш билан бандлигини ривожлантиришнинг методикаси таклиф этилган.

Тадқиқот ишида аёллар меҳнатини ташкил этишда гендер тенглигини акс эттирувчи норматив-ҳуқуқий асослар тадқиқ этилиб, халқаро норма ва талаблар билан бир қаторда, уларнинг республикада эмплементация қилиш даражаси ва миллий қонунчилик базасини тизимлаштиришга ҳаракат қилинган. Бир қатор халқаро нормаларни ратификация қилиш бўйича таклифлар берилган.

Диссертация ишида инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатининг ташкил этилишини баҳоловчи бир қатор статистик кўрсаткичларни жорий этиш масалалари таклиф этилган (1-жадвал).

Ушбу методиканинг айрим кўрсаткичлари қуйидаги тартибда ҳисобланади:

1. Интеллектуал меҳнат (knowledge work) билан банд аҳоли:

$$\text{ИМ} = \text{P} + \text{M} + \text{ТХ}, \quad (1)$$

бунда: ИМ – интеллектуал меҳнат; P – раҳбарлар (*Давлат статистика қўмитаси маълумотлари*); M – мутахассислар (*Давлат статистика қўмитаси маълумотлари*); ТХ – техник ходимлар (*Давлат статистика қўмитаси маълумотлари*).

2. Ахборот соҳасида иш билан бандлар салмоғи (АхМС):

$$\text{АхМС} = \text{АхМ} / \text{ИБ} \cdot 100\%, \quad (2),$$

бунда: АСБ – ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш билан бандлар; ИБ – иш билан бандлар.

3. STEM йўналиши битирувчилари салмоғи (STEM_{бс}):

$$\text{STEM}_{\text{бс}} = \text{STEM}_6 / \text{ББ} \cdot 100\%, \quad (3),$$

бунда: STEM₆ – STEM йўналиш битирувчилари; ББ – барча йўналиш битирувчилари.

Келтирилган баъзи бир кўрсаткичлар аёллар, эркаклар кесимида ва жами (аёллар ва эркаклар кўрсаткичларининг йиғиндиси) ҳисобланиши мақсадга мувофиқ. Мазкур кўрсаткичларнинг гендер кесимида аниқланиши инновацион иш билан бандликнинг жинслараро таҳлили ҳамда янги имкониятлар очилишига ёрдам беради.

Тадқиқотда масофавий иш билан бандликнинг асосий шакллари (уйда ташкил этилган масофавий иш билан бандлик, штатдан ташқари қўшимча масофавий иш билан бандлик, телемарказ, мобил иш ўринлар) тадқиқ этилиб, республикамиз шароитида уни аёллар учун тўлиқ жорий этиш таклиф этилган. Шунингдек, диссертация ишида масофавий иш билан бандликнинг асосий мезон ва кўрсаткичлари аниқланган.

**Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнاتини ташкил этишни баҳоловчи
кўрсаткичлар номенклатураси¹⁰**

Соҳалар	Кўрсаткичлар	Халқаро рейтинглардаги иштирок
Илмий тадқиқот	Илм-фан сиғими юқори тармоқларда иш билан бандлик салмоғи, %	Global Innovation Index, Human Capital Index, Regional Innovation Scoreboard» (RIS), «European Innovation Scoreboard» (EIS), Innovation Union Scoreboard
	Юқори технологик хизматлар экспорт салмоғи, умумий экспорт ҳажмига нисбатан, %	Global Innovation Index, Human Capital Index, Regional Innovation Scoreboard» (RIS), «European Innovation Scoreboard» (EIS), Innovation Union Scoreboard
	Хорижда лицензия ва патентларни сотишдан келган даромад, млн. сўмда	Global Innovation Index, Regional Innovation Scoreboard» (RIS), «European Innovation Scoreboard» (EIS), Innovation Union Scoreboard
	Хорижлик олимлар билан ҳамкорликдаги мақолалар сони	Regional Innovation Scoreboard» (RIS), «European Innovation Scoreboard» (EIS), Innovation Union Scoreboard
	Жаҳонда иқтибоси юқори 10%лик нашрларда мақолалар сони	Regional Innovation Scoreboard» (RIS), «European Innovation Scoreboard» (EIS), Innovation Union Scoreboard
Тадбиркорлик	ИТТКИни бажариш учун очилган корхоналар сони	«European Innovation Scoreboard» (EIS), Australian Innovation System Portfolio Innovation Index
	Инновацион фаол корхоналар салмоғи, % да	«European Innovation Scoreboard» (EIS), Australian Innovation System, Portfolio Innovation Index
	Хусусий секторда ишлаётган олим ва муҳандислар сони	Global Innovation Policy Index (The Information Technology and Innovation Foundation)
Бошқарув	Раҳбарлар, юқори малакали мутахассислар ва техник ходимлар сони	Global Innovation Index, Global Innovation Policy Index (The Information Technology and Innovation Foundation)
Рақамли иқтисодиёт	Интернет тармоғига уланган уй хўжаликлари салмоғи, %	Global Innovation Index, Global Innovation Policy Index (The Information Technology and Innovation Foundation)
	Ахборот соҳасида иш билан бандлар салмоғи, %	Global Innovation Index, Portfolio Innovation Index
Инсон ресурслари	Интеллектуал меҳнат (knowledge work) билан банд аҳоли сони	Global Innovation Index, Human Capital Index, Regional Innovation Scoreboard» (RIS), «European Innovation Scoreboard» (EIS), Innovation Union Scoreboard
	Илм-фан сиғими юқори тармоқларда банд ходимларнинг иммиграция кўрсаткичлари	Global Innovation Policy Index (The Information Technology and Innovation Foundation)
	STEM йўналиши битирувчилари салмоғи, %	Global Innovation Index

Муаллиф томонидан масофавий иш билан бандликнинг методологик асосини ташкил этувчи «Масофавий ходим билан тузилувчи меҳнат

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган

шартномаси», «Масофавий ходимни расмийлаштириш тартиб-қоидалари», ҳамда «Масофавий ходимнинг иш жойида техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар» лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Таклиф этилаётган механизмнинг амалга оширилиши бошқарувнинг «маҳаллабай» тизим орқали масофавий иш ўринларини яратишдаги ҳар бирида муайян вазифа ҳал этилувчи барча асосий функциялари (режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш)ни қамраб олувчи 4 та босқични назарда тутди (2-расм).

МИЖ яратишнинг режалаштириш	1.Маҳаллаларда масофавий иш жойларига талабни аниқлаш		
	Маҳаллаларда корхоналарда вакант иш ўринларини таҳлил қилиш	Маҳаллаларда «Аёллар дафтари»га киритилган иш билан бандлик ҳолатини таҳлил қилиш	
	2.Маҳаллаларда масофавий иш жойлари яратиш учун молиявий ресурсга талабни аниқлаш		
	Иш билан таъминлашга муҳтожлар сонини аниқлаш	Яратиладиган масофавий иш жойлари сонини ҳисоб-китоб қилиш	Масофавий иш жойлари яратиш учун молиявий ресурсларга умумий талабни ҳисоблаш
ЯИЖ яратишнинг ташкил этиш ва назорат қилиш	3.Мутасадди вазирликлар инвестицион лойиҳаларини танлаш ва молиялаштиришни ташкил этиш		
	МИЖ яратиш дастурлари ва инвестициялаш лойиҳаларини шакллантириш	Инвестицион лойиҳаларнинг энг мақбулини танлаш	Лойиҳаларни жорий этишга тасдиқлаш
	4.Масофавий иш жойлари яратиш ва уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш		

2-расм. Аёллар учун маҳаллаларда масофавий иш жойларини яратиш механизми¹¹

Аёллар учун маҳаллаларда масофавий иш жойлари яратиш механизми ёрдамида Ўзбекистонда аёлларни иш билан бандлигининг янги шаклини қонуний «стандарт» бандликка айлантириш истиқболлари очилади. Иш билан бандлик масофавий шакллариининг ривожланиши нафақат республикаимиз меҳнат бозорининг кенгайиши ҳамда аёлларнинг кенг қатлами иш билан таъминланишига ёрдам бериши, балки миллий иқтисодиётга халқаро технологик меҳнат тақсимоотида янада фаол иштирок этиш имконини ҳам бериши мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби «**Аёллар меҳнатини ташкил этишнинг комплекс таҳлили**» деб номланиб, унда аёллар меҳнатининг қиёсий таҳлили, аёллар меҳнати асосий омилларининг эконометрик таҳлили ва аёллар тадбиркорлик фаолиятининг социологик таҳлили амалга оширилган.

Республикада ижтимоий-меҳнат муносабатлари трансформацияси натижасида аҳолининг иш билан бандлиги ва унинг таркибида ўзгаришлар рўй

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган.

берди. Бундай таркибий ўзгариш туфайли иқтисодиёт тармоқлари «аёллар» ва «эркаклар» тармоқларига бўлиниб қолган. Иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучининг жинс бўйича таркиби, узоқ вақт давомида шаклланиб келган қонуниятни тасдиқламоқда: нуфузли иш ҳақи юқори бўлган тармоқларда кўпроқ эркаклар банд ҳисобланади. Шунингдек, эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ иш ҳақи олаётганини кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

2020 йилда Ўзбекистонда тармоқлар кесимида номинал иш ҳақи дифференциацияси¹²


Тармоқ номи	Иш ҳақи, минг сўмда	Бир йилда ўсиш суръати, %да	Тармоқда ишлаётган аёллар салмоғи, % да
«Эркаклар» тармоқлари			
Қурилиш	3206,9	23,8	5,8
Ташиш ва сақлаш	3277,6	22,0	8,5
Ахборот ва алоқа	4057,6	28,7	28,5
Молия ва сўғурта фаолияти	5633,8	31,5	38,8
Саноат	3792,0	29,6	42,1
Санъат, кўнгиш очиш ва дам олиш	1878,1	1,3	44,7
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2566,3	46,4	38
Гуруҳ бўйича ўртача	3487,5	26,2	29,4
«Аёллар» тармоқлари			
Савдо	2924,8	18,2	50,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1460,7	13,6	51,6
Таълим	1903,1	26,7	67,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1639,8	24,6	79,9
Гуруҳ бўйича ўртача	1982,1	20,8	62,4

Таҳлилларга кўра, аёллар эркакларга нисбатан 75,6% га кам иш ҳақи олишади: эркакларнинг иш ҳақи ўрта ҳисобда 3487,5 минг сўмни ташкил қилган бўлса, аёлларники атиги 1982,1 минг сўм. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, «эркаклар»нинг тармоқларида иш ҳақининг ўсиши ҳам юқори кўрсаткичларни кўрсатмоқда.

Диссертация ишида аёллар меҳнатини ташкил этишда аёл интеллектуал ходимлар, раҳбар аёллар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг

¹² Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

аёллар иш билан бандлигига ўзаро таъсири таҳлил қилиниб, SEM моделида ифодаланади (3-расм):




Изоҳ: *** p<0.01 (1%), ** p<0.05 (5%), * p<0.1 (10%)

3-расм. Аёллар меҳнатини ташкил этишнинг SEM модели¹³

Таҳлил натижасида маълум бўлдики, ҳар 1000 нафар иш билан банд аёлга 13 нафар интеллектуал меҳнат билан банд аёл (p<0.01), 35 нафар раҳбар аёл етишмайди. АКТда банд ҳар 100 нафар аёлдан 6 таси доимий расмий иш билан таъминланиб борилмоқда (p<0.001). Аёллар меҳнатини ташкил этишда раҳбар аёллар меҳнати, интеллектуал меҳнати ва АКТда аёлларнинг иш билан бандлиги таъсири аниқланиб, қуйидаги моделга эришилди:

$$\text{Банд аёллар} = 18762,6 - 0,035 \cdot \text{раҳбар аёллар} - 0,013 \cdot \text{инт.меҳнат} + 0,006 \cdot \text{АКТда бандлар}$$

SEM модели натижасида ҳар бир ўзгарувчи учун ҳосил бўлган коэффицентлар ва регрессия тенгламаси асосида 2021-2025 йилларга уч сценарийда тренд чизиғи аниқлаб олинди (4-расм).



4-расм. Интеллектуал меҳнат билан банд аёллар сони ортиши суръатларининг уч сценарийдаги прогноз трендлари¹⁴

¹³ Муаллиф томонидан STATA-15 дастури асосида ишлаб чиқилди.

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган

2021-2025 йилларга олинган прогноз кўрсаткичларига асосан, интеллектуал меҳнат билан банд аёллар сонининг ортиш суръатлари ўртача 1 коэффицентга ўзгариб борар экан. Олинган прогнознинг салбий сценарийси бўйича интеллектуал меҳнат билан банд аёллар сонининг ортиш суръати 0,95 атрофидалиги аниқланди, бунда йил сайин ушбу фаолият билан шуғулланувчи аёллар камайиш тенденциясига эга эканлиги намоён бўлади. Ижобий сценарий бўйича интеллектуал меҳнат билан банд аёллар сонининг ортиш суръати 1,05-1,1 коэффицент оралигида кўпайиб боради.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг 2021-2025 йилларга прогноз кўрсаткичлари олинди (3-жадвал).


3-жадвал

2021-2025 йилларга интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг прогноз кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
Прогноз	1061008	1093899	1084054	1115491	1103221
Салбий сценарий	993693	963882	896410	860554	791710
Ижобий сценарий	1132596	1245856	1320607	1439462	1511435

